



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
14 апрель
ЧОРШАНБА
№ 29
(12.249)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz


ТЕХНОЛОГИК
ЯНГИЛАНИШ
САМАРАСИ

Янгийўл шаҳридаги "Авесто-шамс" хусусий корхонасида "Нексия" автомобиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Кооператив алоқаларни ривожлантириш корхона ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари фаолияти барқарорлигининг муҳим омилли ҳисобланади, — дейди корхона директори Авазбек Қосимов. — Шу мақсадда биз 2002 йили "Ўзавтосаноат" билан ҳамкорлик ўрнатиб, "Нексия" автомобиллари учун "ёнбош кронштейн" ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 2008 йилга келиб, фаолиятимизни янада кенгайтириб, зарур бутловчи қисмлардан бири панель қопламаси ишлаб чиқара бошладик. Бу корхонамиз учун катта ишонч ва масъулият эканлигини тўғри тушуниб, махсулот сифатига алоҳида эътибор қаратдик. Ишчиларимиз бир неча бор Асададаги автомобиль заводида малакаларини оширдилар. Германия ва Япониядан келтирилган замонавий технологиялар махсулот сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда. Утган йили 365 минг дона "ёнбош кронштейн", 125 мингта панель қопламаси ишлаб чиқарилди. Бу 2008 йилга нисбатан уч баравар кўп. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки йиллари бутловчи қисмлар хориждан валюта эвазига келтирилди. Бугун эса бунга ҳолат қолмади, махсулот ўзимизда ишлаб чиқарилапти. Энг асосийси катта миқдорда валюта тежаб қолинапти.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: корхона ишчиси Аҳмад Тўхтаев.



БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ
ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ЭЪТИРОФИ

Тошкентда Президентимиз Исроҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг Ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг қўламини самараларини, жаҳон молиявий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган "Инқирозга қарши чоралар дастуралининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Исроҳ тараққиёт банки, ЕвразЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳ Каримовнинг "Инқирозга қарши чоралар дастуралининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голішев ўқиб эшиттирди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб эътироф этилган ислохотларнинг изчил ва босқич-ма-босқич амалга оширилиши, пухта ўйланган инқирозга қарши чораларнинг ўз вақтида қабул қилингани тўғрисида мамлакатимизда макроекономик барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланганини таъкидлади.

Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошдан кечиратган хозирги шaroитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб кетган бир пайтда, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки қўлларидан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни қўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани бугун яққол намойён бўлмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Президент Исроҳ Каримовнинг "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш" ва "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" мавзусидаги маърузаларида келтирилган

қоида ҳамда ҳулосалар ҳам бунинг яққол тасдиқлашини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда таъкидландики, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида баён қилинган ва дунёнинг етакчи иқтисодчилари томонидан кенг эътироф этилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури чуқур ва изчил ислохотлар сиёсатининг мантйқий давоми бўлди. 2009 йил май ойида пойтахтимизда ушбу китобни ўрганишга бағишланган йирик халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодиёт реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардорлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгиллаш Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Анжуманда мазкур чораларнинг амалга оширилиши кейинги икки йилда тижорат банкларининг жами капиталини икки баравар кўпайтириш имконини бергани қайд этилди. Ушбу банкларда капиталнинг етарлилик даражаси Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баравар ортиқдир. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва махсулот таннархини камайтириш эвазига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Ҳўжалик субъектлари учун солиқ юкини имкон қадар пасайтириш чоралари қўрилди. Мамлакатимиз экспортчи корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашуши ва барқарор ишлаши натижасида 2009 йилда экспорт махсулот етказиб бериш ҳажми ўсди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Бугун ушбу соҳада мамлакат ялпи ички махсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқа-

рилмоқда. Шунингдек, фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг 2008 йилдан муваффақиятли амалга оширилиши бошланиши Ўзбекистон учун, дунёнинг санокли мамлакатлари қатори, жаҳон инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини, аҳоли фаровонлигининг ўсишини таъминлаш имконини берди. Мисол учун, 2009 йилда ялпи ички махсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил қилди.

Конференциянинг ялпи мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотларга, мамлакатимизда глобал инқироз салбий оқибатларининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида қабул қилинган ва фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётган комплекс чора-тадбирларга юксак баҳо берди. Конференциянинг хорижий иштирокчилари Ўзбекистонда Президент Исроҳ Каримов томонидан белгиланган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари доирасида давом этган улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодиётни янада жадал юксалтириш, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао ўз нутқида минтақанинг аксарият давлатлари, Ўзбекистондан фарқлиқ уларок, ички иқтисодий инқироздан жиддий зарар кўрганлини таъкидлади. Ўзбекистонда ноёб инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур инқирозга қарши даврдан самарали иқтисодий сиёсат, инқироз оқибатлари таъсирини омиштириш, реал сектор тармоқлари ва ижтимоий соҳани биргаликда ривожлантириш орқали янада тараққий этишга қаратилган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олган. Президент Исроҳ Каримов раҳнамолигида рўйбга чиқарилаётган ҳаёتبаш ислохотлар миллий иқтисодиётга инвестициялар кiritишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Осиё тараққиёт банки қатор йилгика қўша лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда. Бой салохиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси жиддий ўрганишга лойикдир.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзэкспомарказ»да мамлакатимиздаги олий ўқув юр்தларини битирган ёшлар ҳамда бундан бундан аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 4-мутахассислик бўли иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

МУҲИМ
ТАКЛИФ

"Capital Consulting" компанияси ва "Карьера + " газетаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада пойтахтдаги компания ва фирмалар 800 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Улар орасида "Nokia Siemens Networks Tashkent", "Akta", "Agromir Food", "Uzpaynet", "UzCase", "Huawei Technology", "UzCarlsberg" каби мамлакатимиз ва хорижда ҳам ўз фаолияти билан машҳур бўлган компаниялар бор.

Олий ўқув юр்தларини битирган, маълум меҳнат стажига эга, бироқ иш билан банд бўлмаган аҳолига турли мутахассисликлар, хусусан, химик лаборант, шифокор ва ҳамширалар, муҳандис, корхона иш юр்தувчиси, таржимон, фирма иш бошқарувчиси, электромонтажчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, механик ва ҳайдовчилик каби қатор йўналишлар бўйича бўш иш ўринлари тавсия қилинди.

Ярмаркада сўз олганлар аҳолини иш билан таъминлашнинг энг муҳим жиҳати, ёшларимизнинг бўш вақтларини фойдали, самарали сарфлашларига кўмаклашиш, корхоналар иш фаолиятини янада тақомиллаштириш, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, кичик корхона ва микрофирмаларни кўпайтириш, сифат даражасини ривожлантириш ҳамда аҳолининг яшаш шароитини яхшилашдан иборат эканини таъкидладилар.

Азиза ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".ЎРТАЧИРЧИК
ТУМАНИХИЗМАТЛАРИ
БЕМИННАТ

"Маҳалла" хайрия жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида "Хизмат беиминнат" гуруҳи ташкил этилди.


Гуруҳ аъзолари иш фаолиятини бошлаб, Янги ҳаёт кўргонидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кексалар, ёлғиз қариялар, ногирон ёшларга уй-ўрзор юмушларида кўмаклашмоқда.

НАСЛЧИЛИК

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хусусийлаштириш дастурали доирасида чорвачилик фермалари ҳам шахсий мулкка айлантирилди. Уларни хусусийлаштириб олган жисмоний ва юридик шахсларга чорва туёғини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, ферма фаолиятини ривожлантириш мажбурияти юклатилди.

Лекин ҳамма тадбиркорлар ҳам бу мажбуриятни адо этди, деб бўлмади. Айрим ферма эгалари қорамолларни сотиб юборган бўлса, баъзилари фермани ривожлантира олмади. Тўғри, мажбуриятни уудалаган, мол туёғини кўпайтира олган фермерлар оз эмасди. Лекин, охириг пайтда улар сут ва гўшт етиштириш миқдор ва сифатини пасайтириб юборишди. Табиийки, чорвачиликдан олиннадиган фойда ҳам камайиб борди.

Мутахассислар бу муаммоларнинг сабабини чорва наслининг айниб бораётгани билан изоҳлашмоқда. Маълумки, авваллари фермаларда мол туёғига қараб, беш-олти та зотдор бўқалар махсус сақланар, сигирлар куйикка келганда фақат шу зотдор бўқалардан насл олинарди. Улар хусусийлаштирилгандан сўнг, даро-



ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ҚАДРИЯТ ВА ЁШЛАР

Туман "Салоҳиятли ёшлар" ўқув марказида вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, ўрта махсус касб-ҳунар ва халқ таълими бошқармалари ҳамкорлигида "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Тадбир халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, ҳаётий удумларини сақлаш, ёш авлод онгига она юр்தга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини синдириш мақсадида ўтказилди.

Кўрик-танловда Бекобод, Олмалик шаҳарлари ва Чиноз туман жа-

моалари ғолибликни қўлга киритиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг дипломи ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Тадбирда иштирок этган барча жамоаларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Нигора МАХТУМУЛИ
қизи.

БЕКОБОД
ТУМАНИЯНГИ
ШАХОБЧА ИШ
БОШЛАДИ

Тумандаги зооветеринария шахобчаси яна биттага кўпайди.

Далварзин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан иш бошлаган янги шахобча аҳолининг 3638 та қорамол, 12 мингдан ортиқ қўй-эчки ва бошқа чорва молларига ветеринария хизмати кўрсатмоқда. Шунингдек, насли қорамолларни сунъий урчиштиш ҳам йўлга қўйилди. Хозир туманда 12 та зооветеринария шахобчалари ишлаб турибди.

Ирода МАКСУД
қизи.

ҚОРАМОЛ ЗОТДОР БЎЛСА,
ХАЗИНАНИНГ ЎЗИ

мад ортидан қувган айрим тадбиркорлар бу масалага жиддий қарашмади. Натижада мол зоти айниб, сигирлар сўти камай бошлади, бўрдоқига боқилган моллар кўнгилдагидек тош бўлмай қўйди. Бошқача айтганда, чорва моллари жайдарилишиб кетди, махсусдорлиги пасайди. Бу масалада наслчилик билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ҳам айби бор, албатта. Эътиборсизлик, ҳафсаласизлик оқибатида четдан наслдор моллар келтириш камайиб кетди ва барча чорва фермаларини таъминлаш имко-

ниятлари чекланди. Четдан келтирилгандан гўшт ва сут махсулотларига қарам бўлиб қолиш, истеъмолчиларни эътиёбга яраша қондириш имконини бермаслиги мумкин. Шунинг асосига олиб, ҳукуматимиз қарорлари бу борада тадбиркорлар ва мутасадди ташкилотларга жиддий масъулият юклайди. Республика Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган "Республикада 2010 йилда қорамоллар бош сони, гўшт ва

қорамоллар бош сони, гўшт ва

сўт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик сервис хизматлари кўрсатиш тармоғини кенгайтириш чорва молларини ривожлантиришга қаратилган дастур ижросини таъминлаш учун шахсий чорва моллари наслини яхшилаш талаб этилади. Аммо, юқорида таъкидланганидек, уларни наслдор бўқалар билан таъминлаш осон иш эмас. Муаммолар ҳал этишнинг асосий омилли эса сунъий урчиштиш қўйилмоқда. Шу боис, жойларда сунъий урчиштиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари ташкил этиш бошлаб юборилди. "Узаснаслик" ташкилоти ва вилоят давлат ветеринария бошқармаси ҳамкорлигида вилоят ҳудудидан 20 та шундай шохобчаларни очилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, чорвачиликдаги вазиятни

ўнглаш учун етарли ҳуқуқий база яратилди, илк қадамлар ҳам қўйилмоқда. Яқин йиллар ичида чорвачилик махсулотлари етиштириш 30 фоизга кўпайтириш ва нархини 20 фоизга арзонлаштириш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, вилоятимиздаги мавжуд чорва молларининг деярли 90 фоизи хонадонларда боқилади. Демак, чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган дастур ижросини таъминлаш учун шахсий чорва моллари наслини яхшилаш талаб этилади. Аммо, юқорида таъкидланганидек, уларни наслдор бўқалар билан таъминлаш осон иш эмас. Муаммолар ҳал этишнинг асосий омилли эса сунъий урчиштиш қўйилмоқда. Шу боис, жойларда сунъий урчиштиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари ташкил этиш бошлаб юборилди. "Узаснаслик" ташкилоти ва вилоят давлат ветеринария бошқармаси ҳамкорлигида вилоят ҳудудидан 20 та шундай шохобчаларни очилиши режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР
ЎҚУВИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Республика ҳушудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юр்தаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳаси бошланди.

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай эзгу сазъ-ҳаракатлар журналист кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг касб малакаси ва маҳоратини ривожлантириш билан узвий тарзда амалга оширилмоқда.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондидан лойиҳалари, дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир ҳафта давом этадиган мазкур тадбирда

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари босма нашрларида меҳнат қилаётган журналистлар юртимизнинг етакчи газет ва журналлари, ахборот агентликларида ўз касб малакасини оширадиган, замонавий журналистиканинг асосий меъёр ва тамойиллари юзасидан ўзаро фикр ва таъриба алмашади.

Лойиҳа доирасида иштирокчилар Ўзбекистон Журналистлар иқтисодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети сингари қатор жамоат ташкилотлари, олий таълим даргоҳларида бўлиб ўтадиган анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатларида ҳам иштирок этади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

